

“Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ
акциядорлари таъсис йиғилишининг
2020 йил “22” 06 1-сон баённомасига
1-илова

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
УСТАВИ**



Тошкент ш., 2020 й.



“Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти УСТАВИ

1-боб. Умумий қондалар

1.1. “Ўзбекинвест” экспорт-импорт суғурта компанияси» акциядорлик жамияти (кейинчалик матнда Жамият деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги 46-сон “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорига мувофиқ “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси этиб қайта ташкил қилинди.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунлар ҳамда бошқа қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек мазкур Уставга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамият “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг барча мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.4. Жамиятнинг ўзбек тили лотин алифбосидаги фирма номи:

а) ўзбек тилида:

кирилл алифбосида тўлиқ номи – “Ўзбекинвест экспорт-импорт суғурта компанияси” акциядорлик жамияти;

кирилл алифбосида қисқартирилган номи – “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ;

лотин алифбосида тўлиқ номи – “O‘zbekinvest” eksport-import sug’urta kompaniyasi” aksiyadorlik jamiyati;

лотин алифбосида қисқартирилган номи – “O‘zbekinvest” EISK” AJ;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Акционерное общество «Компания экспортно-импортного страхования «Узбекинвест»;

қисқартирилган номи – АО «КЭИС «Узбекинвест»;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – “Uzbekinvest” Export-Import Insurance Company” Join-Stock Company;

қисқартирилган номи: “Uzbekinvest” EIIC” JSC.

1.5. Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.6. Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100113, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6 уй.

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: office@uzbekinvest.uz

1.8. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.uzbekinvest.uz, www.insurance.uz.

2-боб. Жамият фаолиятнинг мақсади, вазифалари ва предмети

2.1. Жамият фаолиятининг асосий йўналиши суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида жисмоний ва юридик шахсларга суғурта хизматларини тақдим этиш ҳисобланади. Жамиятнинг асосий мақсади сифатли суғурта хизматларини кўрсатиш, шунингдек фойда олишдир.

2.2. Жамиятнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

экспортни суғурта билан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс хизматларни, шу жумладан харидорнинг кредити, қисқа муддатли дебиторлик қарзи, етказиб берувчининг кредити, тасдиқланган аккредитив, экспортчининг айланма маблағларини тўлдириш учун берилган кредит, экспорт факторингини ва экспортни суғурта билан қўллаб-қувватлашнинг бошқа инструментларини тақдим этиш;

хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига киритиладиган тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларнинг комплекс суғурта ҳимоясини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ бошқа суғурталаш турларини амалга ошириш;

хорижий мамлакатларнинг экспорт-кредит агентликлари, суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан тижорат ва сиёсий хатарларни суғурталаш бўйича ҳамкорлик ўрнатиш;

халқаро, хорижий ва маҳаллий суғурта ташкилотлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш, биргаликда суғурта ва қайта суғурта операцияларини амалга ошириш;

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ умумий суғурта соҳасида ихтиёрий ва мажбурий суғурта турларини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида инвестиция фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ юқори ёки барқарор фойда кафолатланган соҳаларда амалга ошириш, молиявий операциялар ўтказиш;

янги инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда суғурта хизматларини тақдим этишнинг янги каналларини яратиш орқали суғурта фаолиятини кенгайтириш;

суғурта шартномалари бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажариш ва қўшимча даромад олиш мақсадида, Жамият томонидан ташкил этилган суғурта захира фондларини ва Жамиятнинг бошқа фондларини қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган инвестиция инструментларига жойлаштириш орқали инвестиция фаолиятини амалга ошириш.

2.3. Жамият фаолиятининг предмети (асосий тури) бўлиб, суғурта фаолияти (суғурталаш, биргаликда суғурталаш ва қайта суғурталаш), инвестиция фаолияти, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида фаолият юритиш, суғурта (қайта суғурталаш) соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ фаолият, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилиги ҳисобланади.

2.4. Жамият устав мақсадлари ва вазифаларига эришиш учун ўз фаолиятининг предмети доирасида қуйидаги ҳаракатларни (функцияларни) амалга ошириш ҳукуқига эга:

Жамият суғурта хизматларини сотиши, суғурта билан боғлиқ хизматларни тақдим этиши ва олиши (шу жумладан, суғурта хатарини, зарарни баҳолаш, -суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бошқалар) мақсадида маҳаллий ва хорижий юридик шахслар, якка тадбиркорлар ва жисмоний шахслар билан мулкӣ, шахсий суғурта, жавобгарликни суғурталаш бўйича суғурталаш, қайта суғурталаш шартномалари, агентлик, ҳамкорлик ва бошқа шартномалар (битимлар) тузиш;

Ўзбекистон ҳамда чет элда Жамиятнинг мақсадлари ва асосий вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган ва/ёки улар билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар хил битимлар ва бошқа ҳукуқий ҳаракатларни амалга ошириш;

суғурта хатарини баҳолаш, миллий ва хорижий валютада суғурта операцияларини амалга ошириш, шу жумладан суғурта мукофотлари (суғурта бадаллари) олиш, суғурта маҳсулотлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, суғурта қоидалари ва шартларини, суғурта тарифларини, суғурта мукофотлари ва агентлик тўловлари миқдорини тасдиқлаш, суғурта захираларини шакллантириш, активларни инвестиция қилиш, зарар ёки зарарлар миқдорини аниқлаш, суғурта тўловларини амалга ошириш, суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қалтисликлари ва зарар миқдорини камайтиришга йўналтирилган профилактик ва олдини олиш чора-тадбирларни амалга ошириш;

суғурта хатарини қабул қилиш, хавф даражаси ёки суғурта дастурининг ўзгариши муносабати билан шартномани тузишда ва тузишдан аввал экспертизалар ўтказиш, суғурта объектларининг қийматини, зарарлар миқдорини аниқлаш, суғурта (қайта суғурта) шартномаларида назарда тутилган суғурта ҳодисалари (суғурта белгиларига эга бўлган ҳолатлар, ҳодисалар) бўйича мустақил равишда ва/ёки учинчи шахслар иштирокида суриштирувлар ўтказиш;

Жамият ваколатига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий ва хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун билан рухсат берилган доирада кредитлар ва ссудаларни жалб қилиш, кафолатлар ва кафилликлар бериш, депозитлар бериш, инвестицияларни амалга ошириш ва норматив-ҳукуқий ва ички меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган тартибда суғурта захиралари маблағларини инвестиция инструментларига жойлаштириш. Суғурта захираларини диверсификациялаш, даромадлилик, ликвидлилик ва қайтарилиши принциплари асосида инвестиция инструментларига жойлаштириш;

сиёсий қалтисликлар бўйича суғурта қопламасини тақдим этиш - хорижий ҳамкор мамлакатдаги сиёсий, молиявий ёки макроиктисодий вазиятнинг ёки, эҳтимол, учинчи давлатда келиб чиқадиган салбий ўзгариш натижасида юзага келадиган, хорижий ҳамкорнинг шартнома мажбуриятларини бажаришига тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган ва қуйидагилар натижасида юзага келган хавфлар:

мулкни мусодара қилиш, шунингдек хорижий ҳамкорнинг мамлакати томонидан мулкни тортиб олишга, уни назоратини ёки ундан олинган даромадни йўқотилишига олиб келадиган ҳар қандай қонуний ёки маъмурий чоралар, иқтисодий фаолиятни мустақил равишда тартибга солиш учун хорижий ҳамкор мамлакатининг ҳукумати томонидан киритилган, камситиш ҳисобланмаган, умумий тартибдаги чоралар бундан мустасно;

чет эллик ҳамкорларнинг мамлакати ёки товарлар ўтадиган мамлакатда эълон қилинган ёки қилинмаган уруш, фуқаролар тартибсизликлари, инқилоб, қўзғолон, террористик ҳаракатлар, хорижий ҳамкор мамлакатда ёки товарлар ўтадиган мамлакатларда саботаж;

импорт ёки экспортга эмбарго жорий этилиши;

хорижий ҳамкор мамлакати ҳукуматининг тузилган шартнома шартларининг тўлиқ ёки қисман бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳаракатлари, шу жумладан Ўзбекистонга нисбатан камситиш белгиларига эга янги қонунлар, қонун ҳужжатлари, фармонларни қабул қилиниши;

хорижий ҳамкорнинг мамлакатда эркин алмашинадиган валюта йўқлиги сабабли пул ўтказмаларини кечиктириш, тўлов амалга ошириладиган хорижий ҳамкор мамлакатининг Ўзбекистонга ёки учинчи давлатнинг ташқи қарзига умумий мораторий эълон қилиниши, шунингдек Ўзбекистон ва хорижий ҳамкор мамлакатни ўртасидаги тўловларни чекловчи қонун, қарор ёки қоида қабул қилиниши\$

хорижий ҳамкорнинг тижорат ва тадбиркорлик қалтисликлари – иқтисодий ва молиявий аҳволидан тўғридан-тўғри келиб чиқадиган хавфлардан суғурта қопламаси тақдим этиш, шу жумладан:

шартнома бўйича молиявий мажбуриятларни қабул қилган хорижий ҳамкорнинг тўловга қодир эмаслиги ёки банкротлиги;

табiiй офатлар, фалокатлар, бахтсиз ҳодисалар ва бошқа умумий қалтисликлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий алоқаларда иштирок этиш, суғурта агентликлари ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ суғурта ва қайта суғурта операцияларини амалга ошириш;

фавқулодда вазиятлар бўйича авария комиссари вазифаларини бажариш ва чет эл ташкилотлари номидан кафолатлар бериш, улар ҳисобидан зарарларни қоплаш, шунингдек Жамият номидан шу каби функцияларни чет элда бажаришга кўрсатма бериш;

Жамиятнинг устав мақсадларига ва унинг асосий вазифаларига мувофиқ мустақил равишда ёки воситачилар орқали импорт-экспорт операцияларини амалга ошириш;

Жамият активларини инвестициялаш ва (ёки) унинг фаолият мақсадларини амалга ошириш учун ҳар қандай мулкый ҳуқуқларни, акцияларни, қимматли қоғозларни, интеллектуал фаолиятнинг ҳимояланган натижаларини ва хусусийлаштиришга тенглаштирилган воситаларни (интеллектуал мулк), кўчар ва кўчмас мулкни Ўзбекистон ҳудудида ва ундан ташқарида куриш, сотиб олиш, эгалик қилиш, ижарага бериш ва ижарага олиш;

махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда инвестиция фаолиятини олиб бориш, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси ва инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш;

суғурта ҳодисасидан кейин қолган ва (ёки) зарарларни ҳал қилиш натижасида Жамият олган мулкни қабул қилиш ва сотиш, шу жумладан ким ошди савдосида, зарарлар учун суғурта қопламасини тўлаш ўрнига уни қисман ёки тўлиқ алмаштириш;

Жамият устав вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ишлаб чақирув-техник предметлар, хом ашё, материаллар, транспорт воситаларини сотиб олиш;

Жамият фаолиятини таъминлаш, суғурталанувчилар, суғурталанган шахслар, наф олувчилар, суғурта шартномасини тузиш ниятида бўлган шахсларни, шунингдек Жамият иштирокчиларини хабардор қилиш мақсадларида, Интернет ресурслар (Жамиятнинг расмий веб-сайти, бошқа сайтлар, гуруҳлар ва бошқалар) ва махсус дастурий таъминотни лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва ишлатиш;

суғурта соҳасида консалтинг ва маркетинг фаолиятини олиб бориш, суғурта бозорининг эҳтиёжларини, суғурталанувчиларнинг шахсий манфаатларини ва сўровларини тўлиқ қондириш мақсадида ўрганиш;

Жамиятнинг ваколатли фаолияти доирасида хизматларни тақдим этиш ва жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга йўналтирилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш;

Жамият фаолияти билан боғлиқ шахсий маълумотларни ва фойдаланилиши чегараланган маълумотларни ҳимоя қилиш чораларини кўриш, махфий маълумотлар ва тижорат сирини ташкил етувчи маълумотларнинг ҳимоясини таъминлаш;

суғурта мавзуларида семинарлар, конференциялар, бошқа тадбирлар, шу жумладан ўқув тадбирларини ташкил қилиш;

миллий, хорижий ва халқаро суғурта иттифоқларига, бирлашмаларга ва касаба уюшмаларига аъзо бўлиш, Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида халқаро конференциялар, семинарлар, тренинглар, инвестиция форумларида иштирок этиш.

2.5. Жамият суғурта ташкилотлари учун қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириши мумкин. Агар фаолиятни амалга ошириш учун лицензия талаб этилса, Жамият ушбу турдаги фаолиятни фақат лицензия билан амалга оширади.

2.6. Устав доирасидан ташқари, аммо қонунга зид бўлмаган фаолият ҳақиқий ҳисобланади.



3-боб. Жамиятнинг ҳуқуқий мақоми ва жавобгарлиги

3.1. Жамият юридик шахс бўлиб, алоҳида мол-мулкка, шу жумладан Жамиятнинг Устав жамғармасига (устав капиталига) киритилган мол-мулк шаклидаги акцияларни, асосий ва айланма маблағларни, кўчар ва кўчмас мулкни, қимматли қоғозларни, фойда ва бошқа нарсаларни жойлаштиришдан тушган маблағлар кўринишида ўз балансида қайд этилган бошқа мол-мулкка эга.

3.2. Жамият давлат тилида тўлиқ фирма номига ва унинг жойлашган жойи кўрсатилган думалоқ муҳрга эга. Матбуотда бир вақтнинг ўзида Жамият номини бошқа тилда кўрсатиш мумкин.

3.3. Жамият акциядорлик жамияти, маъсулияти чекланган жамият ёки унитар корхона шаклида шўъба ва филиалларга эга бўлиши мумкин.

3.4. Жамиятнинг ҳуқуқлари:

ўз номидан битимлар тузиш, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш, мажбуриятларни олиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисоб рақамларини очиш;

ўз номи кўрсатилган штамп ва бланклар, ўз эмблемаси, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган савдо белгисига ва фуқаролик муносабатлари иштирокчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштиришнинг бошқа воситаларига эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига, шунингдек хорижий давлатларнинг тегишли қонунларига биноан, агар халқаро шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ташқарисида филиаллар, бўлимлар, бошқа алоҳида бўлинмалар ва ваколатхоналар очиш;

унитар ва қўшма корхоналар, бизнес ва оддий ширкатлар, маъсулияти чекланган жамиятлар, акциядорлик жамиятларини таъсис этишда таъсисчи ёки таъсисчилардан бири сифатида қатнашиш;

юридик ва жисмоний шахслар билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида барча турдаги операцияларни амалга ошириш;

ҳар қандай шахсни ёллаш, иш ҳақининг шакллари, миқдорлари ва турларини мустақил равишда белгилаш, пенсия, нафақа, мукофотлар ва имтиёзларни тўлаш режаларини (қоидаларини) ишлаб чиқиш ва жорий этиш, жамоавий битимни ишлаб чиқиш ва имзолашда қатнашиш;

ўз фаолияти масалалари бўйича кўрсатмалар, қоидалар ва бошқа ички ҳужжатлар чиқариш;

ўз хўжалик фаолиятини режалаштириш, Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш истиқболларини, акциядорлар ва меҳнат жамоаси аъзолари даромадларини ошириш усулларини аниқлаш;

баъзи функцияларни тўлиқ ёки қисман филиаллар, бўлимлар, бошқа алоҳида бўлинмаларга, унитар корхоналар, шўъба корхоналари ва қарам хўжалик субъектларига ёки бошқа учинчи томонга аутсорсинг асосида топшириш;

мустақил равишда ёки ўқув марказлари ва муассасалари билан биргаликда шартнома асосида малакали кадрлар тайёрлашни амалга ошириш;

ўз балансидаги мулк, қарзлар, етишмовчиликлар, зарарлар ва бошқа харажатларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисобдан чиқариш;

ҳомийлик ва хайрия тадбирларини амалга ошириш, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, спорт, обондонлаштириш ва бошқа йўналишлар учун маблағ ажратиш.

3.5. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бўлган барча мол-мулк билан жавоб беради.

3.6. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзларининг акциялари қиймати миқдорида жавобгар бўладилар.

3.7. Акцияларни тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг акциялари қийматининг тўланмаган қисми миқдорида солидар жавобгар бўладилар.

3.8. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

4-боб. Жамиятнинг устав капитали

4.1. Жамиятнинг устав капитали 282 216 408 000,00 (икки юз саксон икки миллиард икки юз ўн олти миллион тўрт юз саккиз минг) сўмни ташкил қилади.

4.2. Устав капитали 282 216 408 (икки юз саксон икки миллион икки юз ўн олти минг тўрт юз саккиз) дона жойлаштирилган оддий акциялардан иборат.

4.3. Ҳар бир оддий акциянинг номинал қиймати 1000,00 (бир минг) сўм.

4.4. “Ўзбекинвест” ЭИСК” АЖ “Ўзбекинвест” ЭИМСКдан қайта ташкил этиш натижасида акцияларни акциядорлар ўртасида тақсимланиши қуйидагича:

давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги улушининг умумий қиймати 235 180 340 000,00 (икки юз ўттиз беш миллиард бир юз саксон миллион уч юз қирқ минг) сўм бўлган 235 180 340 (икки юз ўттиз беш миллион бир юз саксон минг уч юз қирқ) дона оддий акциялардан иборат бўлиб, Жамият устав капиталининг 5/6 улушини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки улушининг умумий қиймати 47 036 068 000,00 (қирқ етти миллиард ўттиз олти миллион олтмиш саккиз минг) сўм бўлган 47 036 068 (қирқ етти миллион ўттиз олти минг олтмиш саккиз) дона оддий акциялардан иборат бўлиб, Жамият устав капиталининг 1/6 улушини ташкил этади.



5-боб. Жамиятнинг уставкапиталини кўпайтириш ва камайитириш

5.1. Жамиятнинг Устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Кўшимча акциялар фақат Жамиятнинг аввал жойлаштирилган барча акциялари учун тўлов тўлиқ амалга оширилгандан кейин чиқарилиши мумкин. Кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор фақат аввалги чиқарилган акциялар натижалари бўйича жойлаштирилган ва эълон қилинган янги акциялар сонига нисбатан Жамиятнинг Уставига киритилган ўзгаришларни давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

5.3. Жамият акцияларни алоҳида жойлаштириш (олдиндан маълум бўлган, чекланган миқдордаги сармоядорлар орасида ёпиқ обуна, оммавий эълонсиз ва реклама кампаниясисиз) ва оммавий жойлаштириш (рекламадан фойдаланган ҳолда чексиз миқдордаги инвесторлар орасида очик обуна) орқали жойлаштиришга ҳақли.

5.4. Жамият томонидан кўшимча акциялар фақат Жамият Уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларининг сони чегарасида жойлаштирилиши мумкин.

5.5. Жамиятнинг устав капиталини ошириш тўғрисида ва Жамият Уставида тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор Жамиятнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Агар бундай қарор қабул қилиш ваколати Кузатув кенгашига берилган бўлса, Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилиниши мумкин.

5.6. Жамиятнинг устав капиталини ошириш тўғрисидаги қарорида жойлаштириладиган кўшимча акциялар сони, тури, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

5.7. Жамият устав капиталининг оширилиши жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Агар эълон қилинган кўшимча акциялар тўлиқ жойлаштирилмаса, Жамиятнинг Уставида кўрсатилган маълум турдаги эълон қилинган акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акциялар сонига камайитирилиши керак.

5.8. Жамиятнинг кўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарори унинг Устав капиталини ошириш тўғрисидаги акциядорлар Умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг қарори ҳисобланади, агар ушбу ваколат акциядорлар Умумий йиғилиши қарори билан Кузатув кенгашига берилган бўлса.

5.9. Акциялар учун тўлов пул, қимматли қоғозлар, бошқа мулк ёки мулк ҳуқуқлар, ёхуд пул қийматига эга бўлган бошқа ҳуқуқларда амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг аакциядорлар Умумий йиғилиши кўшимча акциялари учун тўлов шакли уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарори билан белгиланади.

5.10. Жамиятнинг Устав капиталини ошириш Жамиятнинг соф фойдасини капиталлашуви, жалб қилинган инвестициялар, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобига, шунингдек бошқа манбалар ҳисобига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

5.11. Жамиятнинг устав капитали ўз капитали ҳисобига кўпайганда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида мутаносиб тақсимланади. Бунда акциялар акциядорнинг ўзига тегишли бўлган турдаги акциялари сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамият устав капиталини кўпайтирилаётган сумма бир акциянинг номинал қийматига мос бўлмаган ҳолда оширилишига йўл қўйилмайди.

5.12. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини камайтириш, шу жумладан Жамият томонидан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик уларни бекор қилган ҳолда сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.13. Жамиятнинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва (ёки) сўндириш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

5.14. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш ва Жамиятнинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорлар акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.15. Жамиятнинг Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилганда, акциядорларнинг умумий йиғилиши Устав капиталининг камайиши сабабларини кўрсатиши ва уни камайтириш тартибини белгилаши керак.

5.16. Жамият ўз устав капиталини, агар бундай камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан кам бўлса, камайтириши мумкин эмас.

5.17. Жамият кредиторларни устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар уларга Жамият устав капиталининг камайиши тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажарилишини ва тегишли зарарларнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

6-боб. Жамиятнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари

6.1. Жамиятнинг акциялари рўйхатга олинган қимматли қоғозлар бўлиб, турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

6.2. Жамиятнинг акцияси бўлинмайди, акцияларнинг тақсимлашнишига йўл қўйилмайди.

6.3. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда ҳар бирининг номинал қиймати 1000 (минг) сўм бўлган 800 000 000 (саккиз юз миллион) дона эълон қилинган оддий акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

6.4. Жамият қонун ҳужжатларига ва Уставига мувофиқ, акциялар билан бир қаторда облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштиришга ҳақли.



6.5. Жамиятнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи тартиби қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланади.

6.6. Акциялар ва облигациялар муомаласи тартиби, уларнинг эгаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланади.

6.7. Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамиятнинг акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

6.8. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра ёки, агар жамият уставига ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамият кузатув кенгашига бундай қарор қабул қилиш ҳуқуқи тегишли бўлса, жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

6.9. Жамият Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарган тақдирда ушбу қарор Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида яқдиллик бўлмаса, ушбу масала акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритилиши керак.

7-боб. Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари:

Жамият акциядорларининг реестрига киритилиши;

депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиши;

Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар кўринишида олиши;

Жамият тугатилган тақдирда мол-мулкнинг тегишли улушга мос қисмини олиши;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиши;

олган дивидендини эркин тасарруф этиши;

акциядорларга тақдим этилган ҳуқуқларнинг хаммаси ёки бир қисмини амалга ошириш учун учинчи шахсларга ишончнома ёки келишувга билан ваколат бериш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида, уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиши;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ қалтисликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

7.2. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

7.3. Акциядорлар ўз ҳуқуқларини бевосита, шахсан ва вакили орқали амалга оширишлари мумкин. Вакил сифатида ҳар қандай учинчи шахс, шу жумладан бошқа акциядор, шунингдек Жамиятнинг мансабдор шахси қатнашиши мумкин. Вакил тайинлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

7.4. Акцияларга эга бўлган Жамият акциядорлари ўз ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишлари мумкин, шунингдек қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

7.5. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

7.6. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан уларни олувчига ўтади.

7.7. Жамиятнинг бир ёки бир нечта акцияларига икки ёки ундан ортиқ шахснинг қонуний равишда умумий мулкдорлик ҳуқуқи юзага келган тақдирда Жамиятга нисбатан барча бундай шахслар битта акциядор деб тан олинади ва акциядорларнинг ҳуқуқларини, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида уларнинг ихтиёрига кўра, улардан бири ёки уларнинг умумий вакили овоз бериш ҳуқуқини амалга оширади.

Ушбу шахсларнинг ҳар бирининг ваколатлари тегишли равишда расмийлаштирилиши керак.

Акцияларнинг биргаликдаги эгалари акциядорларнинг мажбуриятлари бўйича солидар жавобгар бўладилар.

7.8. Жамият акциядорлари, уларга тегишли акциялар сони ва туридан катъий назар, қуйидагиларга мажбурлар:

ўз вақтида, шунингдек қонун ҳужжатларида, Жамиятнинг Уставида ва ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган бошқа шартлар ва тартибларга риоя қилган ҳолда, Жамият томонидан жойлаштирилган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар учун тўловни амалга ошириш;

ўз ҳаракатлари билан Жамиятга ва унинг обрўсига зарар етказилишига йўл қўймаслик;

Жамият фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича ўзларига маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслик;

Жамият томонидан унга маълум амалга оширилаётган ва (ёки) оширилиши мумкин бўлган битимлар, агар ушбу битимдан манфаатдор деб

топилиши мумкин бўлса, мустақил равишда ёки ўз аффилланган шахси (шахслар) билан биргаликда 20 ёки ундан ортиқ фоиз овоз берувчи акцияларга (улуш, пайга) эгалик қилувчи юридик шахслар, шунингдек бошқарув органида лавозимни эгаллаган юридик шахслар ҳақида маълумотларни билан биргаликда Жамиятнинг Кузатув кенгашига, тафтиш комиссиясига ва Жамият аудиторида маълумотларни ўз вақтида етказиши;

7.9. Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва Жамият Уставида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлишлари мумкин.

8-боб. Жамият жамғармалари

8.1. Жамиятда унинг устав капиталининг ўттиз фоизидан кам бўлмаган миқдорда заҳира жамғармаси шакллантирилади.

8.2. Жамиятнинг заҳира жамғармаси Жамият Уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг 25 фоизи миқдорида йиллик мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.

8.3. Жамиятнинг заҳира жамғармаси Жамиятнинг бўлиши мумкин бўлган зарарларини ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва бошқа маблағлар бўлмаган ҳолларда Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

8.4. Жамиятнинг заҳира жамғармасидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

8.5. Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни (хўжаликни ривожлантириш ва инновациялар жамғармаси, ижтимоий ривожланиш, моддий раҳбатлантириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаси, хайрия жамғармаси ва бошқа жамғармалар) қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда ташкил этиш ҳуқуқига эга. Ушбу жамғармалар шакллантириш манбалаир, маблағларини фойдаланиши мақсадлари ва тартиби, маблағлар сарфланишининг тўғри мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низомлар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

8.6. Жамият ўзи томонидан қабул қилинган суғурта мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш учун ҳам сўмда, ҳам чет эл валютасида тўланган суғурта мукофотларидан суғурта фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакллантиради ҳамда жойлаштиради.

9-боб. Дивидендларни тўлаш тартиби

9.1. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

9.2. Молиявий йил натижаларига кўра, Жамият соф фойдасининг 25 фоизигача бўлган қисми қўшимча акциялар чиқариш орқали Устав капиталини оширишга йўналтирилиши мумкин.

9.3. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

9.4. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра, пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

9.5. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.6. Жамият молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

9.7. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9.8. Эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси ёки меросхўр томонидан уч йил давомида талаб қилинмаган дивиденд акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан Жамиятнинг ихтиёрида қолади.

10-боб. Жамиятнинг бошқарув органлари

10.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижро органи Жамиятнинг бошқарув органларидир.

11-боб. Акциядорлар умумий йиғилиши

11.1. Жамиятнинг юқори бошқарув органи бўлиб акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади.

11.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

11.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

11.4. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

11.5. Жамият акциядорларини навбатдан ташқари умумий йиғилиши амалдаги қонунчиликка мувофиқ, йиғилиш чақириш ҳуқуқига ега бўлган органларнинг талабига биноан ўтказилади.

11.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамият Уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш, Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш

мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ, Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

11.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

11.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, уни ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

11.9. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг Устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш;

ўз акцияларини сотиб олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижро этувчи органини шакллантириш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ҳулосаларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар Жамиятнинг ижро этувчи органига ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

11.11. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар, жамиятнинг Кузатув кенгашига киритилиши мумкин эмас, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

11.12. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида биттадан фоизига эга бўлган акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молиявий йили тугаганидан кейин олти кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг кун тартибига масала қўйиш ва Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчи) ушбу органнинг миқдорий таркибидан ошиб кетмайдиган миқдорда номзодларни кўрсатишга ҳақлидир.

11.13. Акциядорлар (акциядор) улар томонидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхатига ўзгартириш киритишга ҳақли.

11.14. Миноритар акциядорлар асоссиз равишда ҳужжатларни талаб қилиб, махфий маълумотлардан, тижорат сирларидан фойдаланган ҳолда Жамият бошқарув органларининг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги керак.

12-боб. Жамиятнинг кузатув кенгаши

12.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуни ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколати доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

12.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколати доирасига қуйидагилар киради:

Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Жамият марказий аппаратининг ташкилий-бошқарув тузилмаси ва штат жадвалини келишиш;

Компания Бош директорининг ўринбосарларини тайинлаш (тасдиқлаш), уларни ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатларни олиш ва уларни Жамиятнинг Кузатув кенгашига юкланган вазифаларни бажариш учун ижроия органидан олиш. Қабул қилинган ҳужжатлардан Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат расмий мақсадларда фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно) ўтказиш, аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамият активларининг охирги ҳисобот санасидаги баланс қийматининг беш фоизидан ортиқ ҳамда предмети мол-мулк, баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати бўлган битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (аудиториغا) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдорлари тўғрисида тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар бериш;

Жамиятнинг заҳира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Филиал ва ваколатхоналар Низомларини тасдиқлаш;

Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналар жамиятларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

Жамиятнинг Устав жамғармасини (Устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият Уставига Жамиятнинг Устав жамғармасини (Устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

12.3. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш ҳам кириши мумкин.

12.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас. Мазкур Уставда кўрсатиб ўтилган ҳолатларда, ижроия органи ваколатига киритилган айрим масалалар Кузатув кенгашининг ваколатлари доирасига киритилиб, ҳал қилиниши мумкин.

12.5. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Жамият Уставада белгиланган тартибда бир йил муддатга сайланади.

12.6. Жамиятнинг Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби 5 кишидан иборат.

12.7. Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланган шахслар чексиз қайта сайланишлари мумкин.

12.8. Жамият бош директори, унинг шўъба ва филиалларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлайдиган шахслар ва ушбу

Жамиятларнинг бошқарув органлари аъзолари Жамият Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

12.9. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлайдиган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин эмас.

12.10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

12.11. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядор томонидан олинган овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарзда олинган овозларни битта номзодга бериши ёки уларни икки ёки ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга.

12.12. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгашига сайланган деб ҳисобланади.

12.13. Жамият Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг таркибидан Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

12.14. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан ўз раисини қайта сайлашга ҳақли.

12.15. Жамиятнинг Уставида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Жамият Кузатув кенгаши раиси унинг ишини ташкил қилади, Кузатув кенгашининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, йиғилишлар баёнларини юритади, акциядорларнинг умумий йиғилишларида раислик қилади.

12.16. Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажаради.

12.17. Жамият Кузатув кенгашининг йиғилиши Кузатув кенгашининг раиси ташаббуси, Кузатув кенгаши аъзоси, тафтиш комиссияси (тафтишчининг), Жамият ижро этувчи органининг илтимосига, шунингдек Жамият Уставида белгиланган бошқа шахсларнинг таклифига биноан чақирилади.

12.18. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгалик қиладиган акциядорлар (акциядор) Кузатув кенгаши йиғилишини чақиришни талаб қилиши ва кун тартиби, даромад тақсимоти, бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилишига алмаштириш бўйича таклифлар билан мурожаат этишга ҳақлидир.

12.19. Кузатув кенгашининг йиғилишини ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланганларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

12.20. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси томонидан овозни Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

12.21. Жамият Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлганда ҳал қилувчи овозга эга бўлади.



12.22. Жамиятнинг Кузатув кенгашининг мажлиси баёни юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баёни у ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай тузилади.

12.23. Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлиси баёни йиғилишда қатнашган аъзолари томонидан имзоланади ва улар баён тўғрилиги учун жавобгардирлар.

12.24. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари Кузатув кенгашининг барча аъзолари сиртдан овоз беришлари (сўров) йўли билан қабул қилиниши мумкин.

12.25. Жамият Кузатув кенгаши йиғилишининг баёни имзоланган куни Жамият ижроия органига ижро қилиш учун тақдим этилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда ушбу қарор тўғрисидаги маълумотлар Кузатув кенгаши йиғилиши куни Жамиятнинг ижроия органига юборилади.

13-боб. Жамиятнинг ижро органи

13.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати ягона ижроия органи – бош директор томонидан амалга оширилади.

13.2. Бош директор акциядорларнинг умумий йиғилишида бир йил муддатга сайланади.

13.3. Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

13.4. Жамиятнинг ижроия органи акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини ташкил қилади.

13.5. Жамиятнинг бош директори жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

13.6. Жамиятнинг бош директори ваколатларига қуйидагилар киради: ушбу Устав ва Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ ўз ваколати доирасида Жамиятни бошқариш;

Кузатув кенгашининг розилиги билан унинг ишида тавсия этилган овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ифодалаш ва битимлар тузиш;

Жамият Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда, жамият марказий аппаратининг ташкилий-бошқарув тузилмаси ва штатлар жадвалини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгаши томонидан тайинланган (тасдиқланган) бош директор ўринбосарлари билан меҳнат шартномаси тузади, келишув ва шартномалар шу жумладан, жамият ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллади;

Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида белгиланган тартибда ишончномалар беради, банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисоб рақамларни очади;

Филиаллар ва ваколатхоналар раҳбарларини Жамият Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда тайинлаш;

Жамиятнинг Марказий аппарати, филиаллари, бўлимлари ва бошқа алоҳида бўлинмалари ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорини белгилайди;

Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг ташкил этилишини, тўғри ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотни акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумотларни олувчиларга юборилишини таъминлаш;

Мазкур уставда кўрсатиб ўтилган акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган жамиятнинг кундалик фаолиятига тааллуқли бўлган бошқа масалалар.

13.8. Жамият бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча (мос равишда) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда у билан бир йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

13.9. Шартнома жамият номидан жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

13.10. Жамиятнинг бош директори билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

13.11. Бош директорнинг хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

13.12. Жамиятнинг бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

13.13. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгаши жамиятнинг бош директори билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга), агар Жамият Уставига кўра Кузатув кенгашига шундай ҳуқуқ берилган бўлса, ҳақли.

13.14. Кузатув кенгаши жамиятнинг бош директори, жамият бошқарувининг аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

14-боб. Жамият фаолиятини назорат қилиш

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Жамият Уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга таркиби 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

14.2. Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айтилиши буюрмоқда Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

14.3. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ваколатлари доираси Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни билан белгиланади.

14.4. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган уставда белгиланади.

14.5. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

14.6. Жамият тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айтилиши буюрмоқда Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

14.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

14.8. Активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

14.9. Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари, бўлимлар, бошқа алоҳида бўлинмалар ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.



14.10. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

14.11. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

14.12. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

15-боб. Яқунловчи қоидалар

15.1. Жамият Уставида кўзда тутилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланади.

15.2. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб қучга киради.

